



2017 йил 29.11.2017

№698 җ

**2017 йилдаги давлат асосида қурилиши
режалаштирилган гипс ишлаб чиқариш цехи
қуриш учун ер майдони танлаб ажратиш
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси "Шаҳарсозлик кодекси"нинг 20-моддаси, "Ер кодекси"нинг 6,26-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги №54-сонли "Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида 2017 йил 21 апрелдаги "Қишлоққурилишлойиҳа" МЧЖ билан келишилган №520/07-сонли келишув хатини, Самарқанд вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2017 йил 14 июндаги №1273-сонли экологик экспертиза хулосасини, Нурабод тумани Саҳоба маҳалла фуқаролар йиғини Тутли қишлоғида яшовчи фуқаро Хантов Холтой томонидан Нурабод тумани Саҳоба маҳалла фуқаролар йиғини Тутли қишлоғи ҳудудидан туман ҳокимлиги захирасида бўлган яллов ер майдонидан 0.06 гектар ер майдонига гипс ишлаб чиқариш цехи биносини қуриш учун ер майдонини танлаш ва ажратиш тўғрисида қарор чиқариб беришни сўраб ўзган аризаси ҳамда туман ҳокимининг 2011 йил 18 августдаги №81-Ф сонли фармойишига асосан тузилган ер участкасини танлаш бўйича ишчи комиссиясининг 2017 йил 20 июндаги далолатномасини кўриб чиқиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Нурабод тумани Саҳоба маҳалла фуқаролар йиғини Тутли қишлоғида яшовчи фуқаро Хантов Холтойга Нурабод тумани Саҳоба маҳалла фуқаролар йиғини Тутли қишлоғи ҳудудидан туман ҳокимлиги захирасида бўлган қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган 0.06 гектар ер майдонига гипс ишлаб чиқариш цехи биносини қуриш учун ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисидаги ишчи комиссиясининг 2017 йил 20 июндаги далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро Хаитов Холтойга қуйидаги вазифалар юклатилсин:
-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил
25 февралдаги №54-сонли қарорида кўрсатилган муддат ва талаби асосида АТТ
(архитектура режалаштириш топшириги) ҳамда лойиҳа ҳужжатларини табириши.
-вилоят Давлат архитектура ва қурилиш нзорат
инспекциясидан қурилишни амалга оширишга руҳсат олиб, қурилиш ишларини уч
йил муддат ичида тугатиш;
-қурилган бино атрофида экологик ҳолатни сақлаш ҳамда ободончилик
ишларини олиб бориш;
-тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилишни амалга ошириш;
-қурилиш ишлари тугаши билан биони фойдаланишга руҳсат бериш учун
туман ҳокимлигига мурожаат қилиш;

3. Туман бош архитектору (Ж.Абдуллаев)га фуқаро Хаитов Холтой
томонидан тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилиш ишларини амалга
оширилишини назорат қилиш топширилсин.

4. Ер участкасини натўрага кўчириш ишларини "Ўз ГАНКЛИТИ" ДУК ини
вилоятдаги ваколатхонаси билан биргаликда амалга ошириш туман бош
архитектору (Ж.Абдуллаев) ва туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими
(Ф.Эргашев)лар зиммасига юклатилсин.

5. Туман "Ермулккадастр" давлат корхонаси (Э.Исоқов)га фуқаро Хаитов
Холтойга ажратилган ер майдонини белгиланган тартибда икки кун муддатда
давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси топширилсин.

6. Фуқаро Хаитов Холтой томонидан уч йил муддат ичида тасдиқланган
қурилиш лойиҳаси асосида қурилиш ишлари амалга оширилмаса, ушбу қарор ўт
кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни туман ҳокимининг
ўринбосари О.Бўтаев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Ф. Заиров